

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Камаш пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

Мен Кашкадарё вилояти Карши шаҳри Шибоева кучаси -1 уй 15 хонадонда (тел. (99891) 2228261, (0375) 5324254. mail: zaminoilaudit@bk.ru) жойлашган Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMINOIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Тошматов Шавкат Амонович Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 5-феврал куни жамият «Низом» и руйхатга олинди, берилган №64-сонли гувоҳномага ва Ўзбекистон Молия Вазирлиги томонидан жамиятга 2009 йил 24-июлдаги берилган «Барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви» ни амалга ошириш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи №00387 рақамли Лицензияга ва «Узагросуртга» давлат акциядорлик сугурта компанияси томонидан 5-январ 2017 йилда берилган 102908-сонли «Аудиторлик жавобгарлигини сугурта қилиш» Полисига эга, ҳисоб рақами 20208000904162711001 Саноат қурилиш банк Карши шаҳар бўлими СТИР 203869896 МЧЖ «ZAMINOIL-AUDIT» Аудиторлик ташкилоти билан «Камаш пахта тозалаш» акциядорлик жамияти уртасида 15.01.2017 йилда тузилган № 13-сонли шартномага асосан «ZAMINOIL-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Тошматов Шавкат Амонович томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 й 25 октябр куни берилган № 05247-сонли аудитор малака сертификатига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект «Камаш пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабр ҳолатидаги ҳисоботлари 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», 4-шакл «Пул оқимлари» тўғрисидаги ҳисобот, 5-шакл «Хусусий капитал» тўғрисидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Камаш пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Камаш пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисобот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Тошматов Ш.А.

10-апрел 2017 йил

